

Туркий халқларнинг “шамсу-л-миллат”и бўлган Низомиддин Мир Алишер Навоий жаҳон адабиёти хазинасини ўзининг хассос шеърляти, буюк “Хамса”си, фан сохаларининг турли тармоқларига багишланган бой илмий мероси билан бойитган сўз санъаткоридир. Ўз ижодий меросида 26 мингдан ортиқ лугат бойлигидан фойдаланган бу буюк даҳо мана беш асрдан ошибдики, асарларидаги чуқур фалсафий мушоҳадакорлик, маъно-моҳиятнинг кенг кўламлиги ва назмий меросидаги фасохат денгизининг бепоёнлиги билан жаҳон аҳлини хайратга солиб келади.

Дунёда Алишер Навоий каби асарлари кенг тарқалган, жаҳоннинг деярли ҳар бир чеккасида китобларининг нусхалари сақланаётган бошқа бир ижодкорни топиш кийин. Ҳазрат Навоий ҳаётининг сўнгги йилларидаёқ унинг асарлари тилига лугат ишланганлиги биз ҳозир навоийшунослик деб атаётган соҳанинг анча қадимий эканлигини кўрсатади.

Шу маънода айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг фаолияти ва меросининг ўрганилиш тарихи шоирнинг ўз давридан, замондошлари асарларидан бошланади. Навоийшуносликнинг тадрижий тараккиётини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

### *1. Навоийнинг ўз асарларидаги маълумотлар.*

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илк маълумот берувчи манба бу шубҳасиз улуг шоирнинг ўз асарларидир. Шоир гарчи ўз таржимаи холини махсус ёзиб қолдирмаган бўлса-да, лекин Навоийнинг деярли барча асарларида унинг шахсияти, ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида муайян фикрлар келтирилади. Хусусан, “Вакфия”, “Муншаот” асарларида улуг шоирнинг ижтимоий фаолияти акс этса, “Мажолису-н-нафоис”, “Хамса”, “Муножот”, “Ҳазойину-л-маоний” каби асарларида шахсий ҳаёти, “Муҳокамату-л-лугатайн”, “Хамсату-л-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” каби асарларида шоир каламига мансуб баъзи асарларнинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ маълумотларни учратиш мумкин. Навоийшунос олим

Ш.Сирожиддинов бу маълумотларни куйидаги гуруҳларга ажратишни тавсия қилади:

1. Ёшлик даври.
2. Мураббийлари.
3. Тутинган фарзандлари.
4. Сухбатдошлари.
5. Навоий ва Жомий ҳамкорлиги.
6. Навоий ва сарой.

## *2. Замондошларининг асарларида келтирилган маълумотлар*

Абдураззок Самаркандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаи бахрайн” (“Икки бахтли сайёраларнинг келиб чикиши ва дарёларнинг кўшилиши”) асари шоир хақида маълумот берувчи илк манбадир. Бу асар 1467-1470 йиллар оралигида яратилган ва бевосита хазрат Навоийнинг назорати остида яқунланган. Бу асардаги маълумотлар кейинчалик бошқа тарихий асарларда айнан такрорланади. Ўша даврнинг яна бир тарихчиси Мухаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонднинг “Равзату-с-сафо” (“Софлик боғи”) асарида ҳам Алишер Навоий хаёти ва фаолиятига доир кимматли маълумотлар келтирилган. Асар 7 жилддан иборат бўлиб, Навоийнинг бевосита топшириги ва хомийлигида яратилган. “Равзату-с-сафо” Ўрта Шарқ ва Осиё тарихига бағишланган бўлиб, Навоий хақидаги маълумотлар асарнинг асосан 7-кисмида – Султон Хусайн Бойқаро

салтанати даври тавсифида учрайди.

Давлатшоҳ Самаркандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”) асари Алишер Навоий номи зикр этилган илк тазкирадир. Тазкирада беш аср давомида яшаб фаолият юритган 150 га яқин ижодкор хақида маълумот келтирилади. Асар 1486 йилда яратилган бўлиб, мукаддима, 7 қисм ва хотимадан иборат. Ҳазрат Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумот асарнинг хотима – муаллифга замондош шоирлар хақидаги қисмида келтирилган.

Муъиниддин Мухаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг “Равзату-л-жиннат” (“Жаннат боғи”, 1492) асарида Ҳазрат Навоийнинг Бодғис вилоятининг Чихил духтарон қасабасида рабоб кундузи, Фаридиддин Аттор мазори устида рабобчи иморат қилгани хақидаги маълумот келтирилади.

Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”), “Нафахоту-л-унс” (“Дўстлик таровати”) асарларида ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ қўллаб маълумотлар келтирилади. Хусусан, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” и таъсирида яратилган “Баҳористон” асари 8 раъза (боб)дан иборат бўлиб, 7-раъзада 39 шоирдан бири сифатида Алишер Навоийга тўхталиб ўтилади ва унинг қомил ахлоқи ижодидан ҳам юксакроқ эканлиги таъкидланади.

Хусайн Бойқаронинг “Рисола”сида ҳам Ҳазрат Навоийнинг туркий тилдаги ижоди, хусусан, шеърлари ҳамда “Ҳамса” асарига юксак баҳо берилиб, буюк шоир “сўз мулкининг кишваристони, соҳибқирони” деб улуғланади.

Гиёсиддин Хумоиддин Хондамирнинг “Хулосату-л-ахбор” (“Ҳабарлар хулосаси”, 1498-1499) ва “Ҳабибу-с-сияр” (“Дўстлар сийрати”, 1515-1523) асарларида Хусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига ўтириши ва Алишер Навоийнинг Хиротга қайтишидан бошлаб, улуғ шоирнинг вафот этишигача бўлган давр оралигидаги воқеалар баён қилинади. Тарихчининг “Мақориму-л-ахлоқ” асари эса Навоийнинг юксак ахлоқи бағишланган махсус рисола бўлиб, шоир таржимаи ҳолига доир муҳим фактик маълумотларнинг келтирилганлиги билан ахамиятлидир.

Зайниддин Восифий қаламига мансуб “Бадоеъу-л-вақоеъ” (“Гўзал воқеалар”) хотиралар

тўпламининг тўрт боби (XIV-XVII) Алишер Навоий шахсиятига багишланган. Унда хазратнинг феъли-сажияси, замондошлари билан ижодий мулоқотлари, Навоий билан боглик турли кизикарли воқеалар хақида сўз боради.

Шунингдек, Абдуллох Хотифийнинг “Лайли ва Мажнун”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Жавохиру-т-тафсир” (“Тафсир жавохиротлари”, 1493-1494), Атоуллох Асилийнинг “Равзату-л-ахбоб” (“Дўстлик боги”), Атоуллох Махмуд Хусайнийнинг “Бадоеъу-с-саноеъ” (“Бадий санъатлар”), Шамсиддин Мухаммад Бадахшийнинг “Рисолаи муаммо”, Хусайн бин Мухаммад Хусайнийнинг “Рисолаи муаммо” (1499), Ахлий Шерозийнинг “Куллиёти Ахлий Шерозий”даги мувашшах-касидаи маснуъси ва бошка кўплаб асарларда ҳам Алишер Навоийнинг хаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти хақида муҳим маълумотлар келтирилган.

### *3. XVI-XIX асрлардаги тазкира, лугат, тарихий ва бадий асарлар*

Алишер Навоий хақидаги маълумотлар XV асрдан кейинги тазкира, тарихий ва бадий асарларда ҳам келтириб ўтилади. Хусусан, Хасанхожа Нисорийнинг “Музакири ахбоб” тазкираси Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис” тазкираси асосида яратилган бўлиб, тазкиранинг биринчи боб, тўртинчи фаслида “Амир Хайдар Алишернинг муқаддас ёди” сарлавҳаси остида буюк шоирнинг “Хамса”си ва туркий газалларининг умумий хажми, форсий тилдаги шеърларидан парча келтирилади

[\[1\]](#)

Фахрий Хиротийнинг “Латоифнома” асари Алишер Навоийнинг форсигўй халқлар орасида машхур бўлишида муҳим ахамиятга эга бўлиб, мазкур асар аслида “Мажолису-н-нафоис”нинг форс тилига килинган таржимасидир. Асарнинг муаллиф томонидан кўшимча тарзда киритилган 9-мажлиси бевосита хазрат Навоийнинг хаёти ва ижодига багишланган. “Латоифнома”да буюк шоирнинг ота-боболари, Султон Хусайн Бойқаро билан болалиқдан давом этиб келган дўстлик ришталари, Навоийнинг Самарқанддаги хаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, мол-давлати хажми, вафоти тафсилотлари билан боглик муҳим маълумотлар келтирилган. Фахрий буюк шоир асарларидан 14 таси номини ҳам санаб ўтади.

Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари Алишер Навоий шахсияти ва унинг ижодига берилган бахонинг ўзгачалиги билан алоҳида ажралиб туради. Асарда

Навоийнинг султон Хусайн Бойкаро билан ҳаммактаб эканлиги, Султон Абу Саъид Мирзо томонидан сургун килинганлиги, Самаркандда Ахмад Хожибек хомийлиги остида яшаганлиги, табъи нозиклиги, олти маснавий (“Хамса” ва “Лисону-т-тайр”), тўрт девон (“Хазойину-л-маоний”) тартиб берганлиги, “Муншаот”ни тузганлиги хақида маълумотлар келтирилиши асосида шоирнинг “Мезону-л-авзон” ва “Девони Фоний” асарлари хусусида баъзи танқидий фикрлар ҳам билдирилади [2].

Мирзо Хайдар Дўғлотнинг “Тарихи Рашидий” асари икки жилддан иборат бўлиб, асосан 1541-1545 йиллар оралигида ёзиб тугалланган. Асарда хазрат Навоийнинг Султон Хусайн билан болалиқдан дўст эканлиги, кейинчалик унинг саройида хизмат қилганлиги, фазлу хунар аҳлига хомийлик қилганлиги, кўплаб иморату бинолар, масжидлар қурганлиги, табъи нозиклиги билан боғлиқ фикрлар бошқа тарихий манбалардаги маълумотларга мос келгани ҳолда шоирнинг отаси уйгур бахши(қотиб)ларидан эканлиги ва оддий одам бўлганлиги хақидаги қарашлар тарихий асосга эга эмас деб айтиш мумкин [3].

Лутф Алибек Озарнинг “Оташқадаи Озарий”, Сом Мирзо Сафавийнинг “Тухфаи Сомий”, Ризоқулихон Хидоятнинг “Мажмуъау-л-фусахо” (“Гўзал сўз эгаларининг тўплами”) каби асарларида ҳам хазрат Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ фикрлар муайян даражада баён қилиб берилган.

Бу даврда Алишер Навоий асарларини чуқурроқ ўрганиш учун махсус лугатлар ҳам тузила бошлайди. Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида унинг асарлари асосида “Бадоеъу-л-лугат” (тузувчи Толеъ ал-Ийманий ал-Харавий), бир оз кейинроқ “Лугати Навоий” яратилади. 1560 йилда Алоий бинни Муҳибий “Ал лугату-н-Навоият ва-л-истишходату-л-чигатоият” (“Навоий лугати ва чигатой тили далиллари”) лугатини тузади. Шунингдек, бу даврда Навоий асарларидаги кўпгина сўзларни усмонли турк тилида тушунтириш мақсадида “Абушка” лугати ҳам яратилади. X VIII асрда Мирзо Маҳдийхон тузган “Мабону-л-лугат” (“Лугат пойдевори”), XIX асрда Фатх Али Кожарийнинг “Луготи атроқия” (“Турклар лугати”), Муҳаммад Хоксор томонидан 1798 йилда тузилган “Мунтахабу-л-лугат” (“Танланган лугатлар”) ҳамда Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Лугати чигатойи ва турки усмоний” каби асарларида ҳам Алишер Навоий ижодидан олинган парчаларга кенг ўрин ажратилади.

#### 4. Навоий ижодининг илмий мезонлар асосида ўрганилиши

Ўтган асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб юртимизда Алишер Навоий ижодини чинакам илмий мезонлар асосида ўрганишга киришилди. Бу соҳадаги дастлабки кадам сифатида Абдурауф Фитратнинг “Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида” (“Маориф ва ўқитгучи” журн., 1925) ва “Фарходу Ширин” достони тўғрисида” (“Аланга” журн., 1930) маколаларини кўрсатиш мумкин.

Бутун собик Шўролар Иттифоки микёсида Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш хақида қарор қабул қилиниши муносабати билан “Хамса”нинг қискартирилган варианты (Садриддин Айний, 1939), “Чор девон”, “Мухокамату-л-лугатайн”, “Махбубу-л-кулуб” асарлари нашр қилинди, турли тадқиқот ва монографиялар яратилди, шоир асарлари рус, украин, тожик, озарбайжон ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинди. Олим Шарафиддинов (“Алишер Навоий”, 1939), М.Шайхзода (“Гениал шоир”, 1940), В.Абдуллаев (“Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти хақида”, 1940) каби олимларнинг тадқиқотлари яратилди; А.Боровков, Е.Э.Бертельс, Х.Олимжон, Х.Зариф, О.Усмонов, М.Шайхзода ҳамда бошқа ижодкор ва олимларнинг илмий маколаларини ўз ичига олган “Родоначалъник узбекской литературы” (“Ўзбек адабиётининг асосчиси”, 1940) тўплами эълон қилинди.

Собик Иттифок ҳудудида 1941 йилда II жаҳон уруши бошланганлиги сабабли Алишер Навоий юбилеи 1948 йил май ойида нишонланди ва шу муносабат билан Е.Э.Бертельс (“Навои. Опыт творческой биографии”), О.Шарафиддинов (“Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти”), С.Айний (“Алишер Навоий”)ларнинг илмий рисолалари эълон қилинди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб навоийшунослик янада сермахсул ишларни амалга оширди. “Хамса”нинг мукамал нашри (Порсо Шамсиев, 1960), “Ҳазойину-л-маоний”нинг академик нашри (Ҳамид Сулаймонов, 1959-60) ва Алишер Навоий “Асарлар”и 15 томлигининг эълон қилиниши навоийшуносликдаги муҳим воқеалардан бўлди. Ўтган асрнинг 90-йилларигача Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган тадқиқотлар рўйхатининг ўзи алоҳида бир китобни ташкил қилади (Алишер Навоий:1441-1501 йил. Адабиётлар кўрсаткичи, 1991). 1987-2003 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Х.С.Сулаймонов номидаги Кўлёмалар институти томонидан Алишер Навоийнинг 20 жилдлик “Мукамал асарлар тўплами” эълон қилинди [4]. П.Шамсиев, Н.Маллаев, В.Зоҳидов, И.Султон, Х.Сулаймонов, А.Қаюмов, С.Ганиева, А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Абдугафуров, С.Эркинов, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоков, Н.Қомиллов, Р.Воҳидов, М.Ҳақимов, Л.Зоҳидов каби олимлар навоийшунослик тараккиётига алоҳида ҳисса қўшдилар.

Мустакиллик йилларидан бошлаб Алишер Навоий ижодини янгича тамойиллар асосида ўрганиш бошланди. И.Хаккуловнинг “Тасаввуф ва шеърият” (1991), “Навоийга кайтиш” (2007),

С.Хасановнинг “Навоийнинг етти тухфаси” (1991), М.Мухиддиновнинг “Икки олам ёгдуси” (1991), Х.Кудратуллаевнинг “Алишер Навоийнинг адабий-эстетик карашлари” (1991), А.Хайитметовнинг “Навоийхонлик сухбатлари” (1993), “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” (1996), А.Абдугафуровнинг “Буюк бешлик сабоклари” (1995), Р.Воҳидовнинг “Алишер Навоийнинг ижод мактаби” (1994), “Алишер Навоий ва илоҳиёт” (1994), Н.Комиловнинг “Тасаввуф” (1996-1999; 2009), С.Олимовнинг “Ишк, ошиқ ва маъшук” (1992), “Накшбанд ва Навоий” (1996), Н.Жумаевнинг “Сатрлар силсиласидаги сеҳр” (1996), А.Хожахмедовнинг “Навоий арузи нафосати” (2006), А.Каюмовнинг ўн икки жилдлик “Асарлар” (2010), “Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар” (2011), Алибек Рустамовнинг “Хазрати Навоийнинг эътиқоди”, (2010),

Ш.Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий: манбаларнинг киёсий типологик, текстологик тахлили” (2011), Н.Комиловнинг “Маънолар оламига сафар” (Алишер Навоий газалларига шарҳлар, 2012) каби тадқиқотлари; М.

Хамидованинг “Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи” (1994),

М.Мухиддиновнинг “

Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси”(“Хамса”ларнинг биринчи достони асосида, 1995),

К.

Эргашевнинг “Ўзбек насрида иншо” (Навоийнинг “Муншаот”и мисолида, 1996),

М.

Акбарованинг “Алишер Навоий газалларида кофия” (1997), Ш.Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий хаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари” (киёсий-типологик, текстологик тахлил, 1998),

А.Эркиновнинг “Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари” (1998),

К.Муллахўжаеванинг “

Алишер Навоий газалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги:

(“Бадоеъ ул-бидоъ” девони мисолида, 2005), С.Ўтанованинг “Алишер Навоий

газалиётида ранг символикаси” (2007), З.Мамадалиеванинг “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими” (2011)

каби диссертацион ишлари шулар жумласидандир.

Алишер Навоий “Хамса”си таркибига қирувчи беш достон 2006 йилда асл матни ва мукамал насрий баёни билан Гафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан лотин ёзувида нашр этилди.

Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан шоир асарларининг 10 жилдлиги эълон

килинди

[\[5\]](#)

Шунингдек,  
“Хазойину-л-маоний” куллиёти таркибига кирувчи  
4 девон ҳам нашрдан чикди.

### *5. Навоий ижодининг Гарбда ўрганилиши*

Навоий асарлари XVI асрлардаёк Европада маълум эди. 1557 йилда италян тилида Венецияда нашр этилган табризлик арман ёзувчиси Христофор Табризийнинг “Сарандиб шохининг уч ёш ўғлони зиёрати” асарининг иккинчи қисмида Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидан олинган Бахром ва Дилором саргузашти баён қилинади. Шунингдек, X VII аср грузин шоири Цицишвили Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонини ижодий таржима қилиб, “Етти гўзал” достонини яратади.

1697 йилда француз олими Артолеме д’Ербело “Шарк кутубхонаси” номли энциклопедияда Навоий таржимаи холи ва асарлари номини келтирса, шаркшунос Сильвестре де Саси (1758-1838) ўз тадқиқотларида Алишер Навоийнинг шоир ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига тўхталиб ўтади.

XIX асрга келиб, Европада Алишер Навоий асарлари ва унинг асарлари асосида тузилган лугатларни нашр этиш ишлари бошланади. Француз шаркшуноси Катрмер 1841 йилда Парижда Навоийнинг “Мухокамату-л-лугатайн” ва “Тарихи мулуки ажам” асарларини нашр эттиради. Рус олими И.Н.Берёзин ўзининг “Турк хрестоматияси” номли китобига шоир асарларидан парчалар киритади.

Рус шаркшуноси В.В.Вельяминов 1868 йилда Алойи бинни Муҳибийнинг “Ал лугату-н-Навоият ва-л-истишходату-л-чигатоият” (“Навоий лугати ва чигатой тили далиллари”) лугатини Санкт-Петербургда нашр эттиради. Француз шаркшуноси Паве де Куртейл эса Навоий асарларидан фойдаланиб, лугат тузади.

Гарбда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини илмий аспектда ўрганиш XIX асрдан бошланган деб айтиш мумкин. 1818 йилда немис олими Х.Пургшталл “Навоийга оид битиклар” асарини яратиб, унда Алишер Навоийнинг насл-насаби, шоирлик, давлат



арбоби ва бунёдкорлик ишларига тўхталиб ўтади. Рус шаркшуноси П.Савельев 1835 йилда шоир ижодига багишлаб махсус “Алишер Навоий” номли макола ёзади.

1856 йилда М.Никитскийнинг “Эмиръ Низам-Эд-Динъ-Али Ширъ. Государственном и литературном его значении” (“Амир Низомиддин Алишер: давлат арбоби ва шоир сифатида”) номли шоир ижодига багишланган илк магистрлик диссертацияси вужудга келади. М.Никитский Навоийнинг хаёти ва фаолиятини анча тўлиқ ўргангани, унинг шоир, олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига юкори бахо бергани холда Шарк мумтоз адабиётидаги ижодий анъаналарни англаб етмагани учун Алишер Навоийни “форс-тожик адабиётининг таржимони” деб эълон килади.

Айнан шу тарздаги гайриилмий карашлар француз шаркшунослари М.Белен (“Алишер Навоий”, 1868), Э.Блоше “Миллий кутубхонада сакланаётган туркий кўлёмалар каталоги”, Л.Бува (“Темурийлар даври цивилизациясидан лавхалар”, 1926; “Мўгул империяси”, 1927), инглиз шаркшуноси Э.Браун (“Татар хонликлари давридаги форс адабиёти тарихи”, 1920) , рус шаркшуноси В.Бартольдларнинг тадқиқот ва илмий маколаларида давом эттирилди. Хусусан, В.Бартольд ўзининг “Мир Али Шер ва сиёсий хаёт”) маколасида Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига ижобий бахо беради, лекин унинг адабий мероси мохиятини англаб етмайди. Олим мазкур маколада: “*Алишер Навоий ўзининг девонларида ва бошка кўплаб бадиий асарларида факатгина форсий шоирларнинг таклидчиси сифатида намоён бўлади*”, – деб ёзар экан, масалага адабиётшунос эмас, балки тарихчининг нигохи билан ёндашади ва хар бир деталда аниқлик, мантик, реаллик ва конкрет воқеликни кўрмокчи бўлади [6]

Аслида эса Мукулмон Шаркида ижодкорнинг салохияти Гарб адабиётидан фаркли равишда янги сюжет яратишига караб эмас, балки анъанавий воқелик, мавзу, кахрамонлар доирасида янги фикр айта олиш иктидорига караб белгиланган. Айнан мана шу анъанавийликни англай олмаслик юкоридаги олимларнинг Алишер Навоий ижодига нохолис бахо беришларига олиб келган.

Нихоят шаркшунос олим Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ва Фаридиддин Аттор достонларини киёсий ўрганиш оркали (“Навои и Аттар”) хазрат Навоийнинг оригинал шоир эканлигини исботлайди. Шу тарика Алишер Навоий ижодини хорижда кенг илмий аспектда холис ўрганиш ишлари бошлаб юборилади.

Немис олими А.Курелланинг “Буюк шоирнинг қайта кашф қилиниши” номли тадқиқоти гарб навоийшунослигида янги босқични бошлаб берди. Ушбу тадқиқотдан сўнг Гарбда Навоий шахсияти энди икки йўналишда: ҳам буюк ижодкор, ҳам давлат арбоби сифатида тадқиқ қилина бошланди. Инглиззабон олимлардан М.Сабтелни, В.Фельдмен, Д.Генчтурк, Д.Девин, К.Адахл, Г.Дикнинг илмий изланишлари ва таржима борасидаги фаолиятлари, Берлин шаҳрида Алишер Навоий ижодига бағишланган симпозиумнинг ташкил қилиниши ва унда навоийшунос олимлар ва шоир асарлари таржимонлари Б.Хайнкеле, К.Шунинг, Ю.Пауль, М.Кирхнер, З.Клайнмихел, Э.Таубе ва бошқаларнинг турли мавзулардаги маърузалари гарб навоийшунослигининг тобора ривожланиб бораётганлигидан далолатдир [7]. Буларнинг барчаси бугунги глобаллашув жараёнида Алишер Навоий ижоди ва шахсига бутун дунёда кизиқиш ва эҳтиёжнинг ортиб бораётганини кўрсатади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони (“Тазкирату-ш-шуаро”дан) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967.
2. Хондамир Гиёсиддин бинни Хумомиддин. Макоримул-ахлок (Яхши хулқлар) / Форсчадан М.Фахриддинов, П.Шамсиев тарж.; - Т.:Бадий адабнашр., 1967.
3. Бобур Захириддин. Бобурнома / Хозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллаҳўжаева таъдилди. -Т. : O`qituvchi НМИУ, 2008.
4. Аёзий Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашидий. – Т.: O`zbekiston, 2011.

5. Бойкаро Хусайн. Рисола: Девон. – Т.: Шарк, 1995.

6. Восифий Зайниддин. Бадоеъул вакоеъ – Нодир вокеалар / Форсийдан Н.Норкулов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

7. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.

8. Сирожиддинов Шухрат. Алишер Навоий: манбаларнинг киёсий- типологик, текстологик тахлили. – Т.: Akademnashr, 2011.

9. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул ахамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: O'zbekiston, 2011.

10. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Т.: O'zYU Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.

11. Хайитметов А. Темурийлар даври адабиёти. – Т.: Фан, 1996.

12. Алишер Навоий: 1441-1501 йил. Адабиётлар кўрсаткичи / Туз. З.Бердиева, А.Туропова. – Т., 1991.

13. <http://www.referun.com/n/issledovanie-zhizni-i-tvorchestva-alishera-navoi-v-zapadnoevropayskom-vostokovedenii#ixzz2HOWXH4iO>

<http://www.payam-aftab.com/en/news/3094/Ali-Shir-Nava%27i>

---

[1]Хасанхожа Нисорий хазрат Навоийни тушида кўриш шарафига муяссар бўлганлигини ва Навоийнинг “Бизнинг ашъоримиздан бирор нарса ёд билурмисан?” деган саволига жавобан куйидаги мактаъни ўқиганини айтади:

*Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак,*

*Кайдаким, хўблар аёгин кўйса – сен бошингни кўй!*

“Хазойину-л-маоний” куллиётига киритилган шеърлар орасида мазкур мактаъ билан якунланувчи шеър учрамайди.

[2] Захириддин Мухаммад Бобур “Мезону-л-авзон”нинг рубоий вазнига багишланган кисмида 4 ўринда хато бор деб хисоблайди. Арузшунос олимлар А.Хожиахмедов, С.Хасановлар мазкур хатолар Алишер Навоий эмас, балки асарни окка кўчирган хатотнинг хатоси эканлигини таъкидлайдилар. Дархакикат, вазнларга мисол тарикасида келтирилган рубоий мисраларидаги сўзларнинг ўрни алмашгани, рукнлар номининг чалкаш келтирилганлигини хисобга олсак, олимларимизнинг карашлари тўғри эканлиги маълум бўлади.

[3] Ш.Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий: манбаларнинг киёсий типологик, текстологик тахлили” китобида ёзилишича, Мирзо Хайдар Навоий вафотидан сал илгарирок 1499/1500 йилда Тошкентда тугилганлиги, умрининг асосий кисми Кошгар ва Хиндистонда ўтганлиги учун унда Навоий хакидаги маълумотларни улуг шоирни шахсан таниган кишилардан олиш ва ўз маълумотларини текшириб кўриш имконияти йўқ эди. Шу сабабли асар муаллифи ўзи фикр юритаётган мавзу бўйича баъзан ёзма манбаларга эмас, балки оғзаки, тасдигини топмаган маълумотларга таянган бўлиши мумкин.

[4] Мукамал асарлар тўпламининг таркиби 1-иловада келтирилган.

[5] 10 жилдлик таркиби 2-иловада келтирилган.

[6] Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность: оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. Ташкент, 2009, С.72-78.

[7]Алишер Навоий ижодининг хорижда ўрганилиши билан боғлиқ маълумотлар М.Холбеков, А.Абдуазизов, Р.Абдуллаева, Г.Халлиева, З.Мирзаева каби олимларнинг тадқиқот ва мақолаларида келтирилган.

**Дилнавоз Юсупова**